# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 6 январь, № 3 (6438) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



### Бизнеснинг муҳим шарти

**Қорақалпоғистон Республикаси**

Янги йил байрами арафасида Беруний туманидаги тикувчиликка ихтисослаштирилган “Бобожонов Ғафур” хусусий корхонаси хориждан буюртма олди. Аниқроғи, кичик бизнес субъекти 50 минг АҚШ долларилик трикотаж маҳсулотларини чет эллик харидорларга етказиб бериш юзасидан келишувга эришди.

— Янгиликка интилиш — бизнеснинг муҳим шарти, — дейди корхона раҳбари Ғ. Бобожонов. — Шунга амал қилганимиз туфайли ўтган даврда чеварларимиз сони 3 нафардан 15 нафарга етди. Банк томонидан ажратилган 36 миллион сўмлик кредит ҳисобига замонавий дастгоҳлар харид қилдик. Ҳозир ойига 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Харидор талаби асосида

**Андижон**

Олтинкўл туманидаги “Олтинкўл тўқимачилик саноати” масъулияти чекланган жамияти 2015 йилни муваффақиятли якунлади. Энг муҳими, банкнинг 1,5 миллиард сўмлик кредити тўлиқ қайтарилди.

Трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхона энг илғор хорижий ускуналар билан жиҳозланган. Чунончи, Жанубий Кореянинг “TMS CO., Ltd” компаниясидан келтирилган, компьютерлаштирилган 50 дона дастгоҳ маҳсулотга буюртмачи истагига кўра, турли шакл, ранг ва кўриниш бера олади. Айни пайтда жамоада меҳнат қилаётган 48 нафар ишчи-мутахассис томонидан кунига 10 дона трикотаж маҳсулотлари тайёрланаяпти.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

### Сайт орқали буюртма

**Бухоро**

Бухоро шаҳрилик ҳунарманд Рустам Валиевга Францияда яшовчи Жьюл Парделдан буюртма тушди.

— Сайтимизда намойиш этилган адрас ва хонатласларимиз хориждик санъатсеварда катта таассурот қолдирибди, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси Р. Валиев. — Шу боис у интернет орқали бизга мурожаат қилиб, миллий матоларимиздан тўқиб беришни сўради. Шогирдларимиз билан биргаликда буюртмани рисоладагидек адо этдик. Бу хорижда ўзбек халқ амалий санъати ихлосмандлари сони кўпаяётганидан далолатдир.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда вилоятда “Ҳунарманд” уюшмасининг 1200 нафардан зиёд аъзоси бор. Улар томонидан ўттиздан ортиқ йўналишда бадиий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати буюмлари тайёрланаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хусусий сектор салоҳияти

**Жиззах**

Асосан, қоракўлчиликка ихтисослаштирилган Фориш тумани иқтисодиётида хусусий секторнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, 2015 йил якунига кўра, соҳа вакилларининг саноатдаги улуши 70 фоизни ташкил этиши кутилаётир.

Бундай ижобий кўрсаткичга эришишда ҳудудда ишга туширилган “Фориш сифат текстиль” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда бу ерда катталар ва болалар учун тайёрланаётган либослар харидорларга манзур бўлаётир.

— Яқинда йигирма кишилик меҳнат жамоамиз саъй-ҳаракати билан пахта чиқитидан момиқ тайёрлашни ҳам ўзлаштирдик, — дейди корхона иш бошқарувчиси Зокир Солмонов. — Натижада ҳозиргача 45 миллион сўмлик шу турдаги хом ашёни ички бозорга чиқардик.

Жорий йилнинг биринчи чорагидан бошлаб “Фориш сифат текстиль”да “Жасмин” белгиси остида кир ювиш кукуни қадоқлашни ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2

# УЛУҒВОР ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ўтган йилда ҳам улкан ютуқларга эришди.

*Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида таъкидланганидек, тобора чуқурлашаётган глобал иқтисодий ва молиявий инқирозга қарамасдан, кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмади, аҳоли реал даромадлари 9,6 фоиз, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 21,9 фоиз ошди.*



**ИФТИХОР**





Бундай юксак кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган, дунёда “ўзбек модели” дея тан олинган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди. Зеро, унинг замирида жамиятимизни тубдан ислоҳ этиш ва демократлаштириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ҳамда модернизациялаш, жаҳоннинг ривожланган демократик давлатлари сафидан жой олишдек олижаноб мақсадлар мужассамдир.

...Ҳатто бир инсон ҳаётида ҳам бир йил давомида қанчадан-қанча воқеалар рўй беради. Улар аввалги йиллар меваси, келажак тамал тоши. Энди ўтган 365 кун ичида бутун Ўзбекистонда юз берган воқеалар миқёсини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Биргина бизнинг газетамизда уларнинг энг долзарбларига бағишланган тўрт мингдан зиёд хабарлар, мақолалар, репортажлар берилди. Кўриниб турибдики, 2015 йилда кўп ишлар амалга оширилди ва янги йил ҳам бу борада янада муваффақиятларга бой бўлиши, шубҳасиз.

Боиси, поёнига етган йилда қўлга киритилган ютуқлар 2016 йил учун мустаҳкам базага айланди. Улардан энг муҳими, Президентимиз алоҳида тўхталиб ўтганидек, биз ҳар бир қадамимизда мустаҳкамлаб бораётган тинчлик ҳамда барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, умумий уйимиздаги ўзаро ҳурмат ҳамда эзгулик муҳитидир.

(Давоми 4-бетда).

# Аграр соҳа ривожи ва қонунчилик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан аграр соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳамда уларни такомиллаштириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Мутахассислар, олимлар, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда фуқаролик жамияти институти вакиллари иштирокида ташкил этилган тадбирда қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди. Қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ва изчил ёритиб борилгани таъкидланди.

Ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётимиздаги таъсирини оширишда қўмитанинг роли ҳамда аҳамиятини кучайтириш мақсадида аграр ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунлар таҳлил қилинди ҳамда инвентаризациядан ўтказилди. Унинг натижасида соҳага оид кўп муносабатлар қонунлардаги ҳаволаки нормалар асосида қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинаётганлиги, аксарият қонунларнинг нормалари бугунги кун эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши зарурлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

# «Фуқаролик жамияти институтлари инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишидаги муҳим кафолатлардан биридир»

Парижда фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон ва Франция тажрибасини кўриб чиқишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Мамлакатимизнинг Франциядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти (IPSE) билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Франциянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил доиралари ҳамда нодавлат секторининг вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш, жамият ва давлат ишлари бошқарилишида уларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этиш соҳаларида ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишдилар.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида кўрилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар Франция экспертларида катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидланганидек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши аҳолининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларининг жамият ҳамда давлат ишлари бошқарувидаги иштирокининг ҳуқуқий кафолатларини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Франциялик экспертлар мамлакатимизнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланишидаги долзарб вазифаларини ҳал этишда ННТлар фаол иштирокини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо бердилар.

2015 йили “Дахлдорлик ҳисси билан Ватан равнақи сари” шиори остида мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари IV Миллий форуми якунлари давра суҳбати қатнашчиларининг алоҳида эътиборига сазовор бўлди. Маълумки, мазкур тадбирда минглаб нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## 14 январь – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида энг юксак талабларга жавоб берадиган, юртимиз ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

# Шижоати юксак, аҳди қатъий

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Чақирув йилига бир марта ташкил қилинадиган бўлди. Миллий армия сафида шартнома бўйича ҳарбий хизмат тури жорий этилди. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат йўлга қўйилди. Булар, ўз навбатида, мудофаа салоҳиятимизни оширишда муҳим омил бўлди.

Бухоро туманидаги “Кунжиқалъа” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Шукуржон Савриев ҳам Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш орзусида эди. Яқинда у мақсадига эришди. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматда ўз бурчини ўтаб қайтди.

— Шубҳасиз, бу ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолади, — дейди Ш. Савриев. — Кўплаб сафдошларим қатори малакали офицер ва сержантлар командирлигида Ватан ҳимоячиси бўлиб шаклландим. Машғулотларда фаол қатнашиб, зарур кўникмаларга эга бўлдим. Армия, чиндан ҳам, ҳаёт мактаби эканига ишонч ҳосил қилдим.

Дарҳақиқат, юртимиз мудофаа тизимидаги ҳар бир бўғин замонавий асосда шакллантирилган. Жумладан, сафарбарлик чақируви резерви батальонидаги қулайликлар ҳам барча талабга тўла жавоб беради.

— Бугунги кун ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликка, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида маънавий-руҳий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, ахборот-компьютер технологияларининг сир-асрорларини пухта билишни тақозо этади, — дейди батальон командири, подполковник Икромжон Холбўтаев. — Шу маънода, офицер ва сержантларнинг самарали фаолият кўрсатиши, аскарларнинг тўлақонли машғулот ўтишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Мавжуд имкониятлар билан яқиндан танишамиз. Кенг ва ёруғ машғулот хоналари, керакли жиҳозлар, қўлланмалар, шинам турар-жой, спорт майдони, баскетбол, волейбол, бадминтон майдончалари, ахборот-ресурс маркази Ватан ҳимоячилари ихтиёрида.

(Давоми 2-бетда).



# Истиқболли лойиҳа

**Навоий**

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида 2 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига яна бир истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилди. Шу тариқа ҳудудда масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Navoi Cable Connector” чет эл корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Замонавий қувватлар ишга туширилиб, бу ерда кабель ўтказгичли маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Эътиборли жиҳати, корхона мутасаддилари сифат ва суръат уйғунлигини таъминлаш орқали келгусида хорижлик харидорлар буюртмаларини бажаришни ҳам мақсад қилган.

Умуман, 2015 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида вилоятдаги саноат субъектларида жами 637,2 млрд. сўм миқдорида капитал сармоялар ўзлаштирилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёш оилалар қувончи

**Наманган**

Уйчи туманининг Умид маҳалласида истиқомат қилувчи 55 та ёш оила вакиллари Янги йил байрамини янги уйда кутиб олишди. Бу имконият ҳудудда намунавий лойиҳа асосида барпо этилган тураржойлар калитлари ўз эгаларига топширилгач, юзага келди.

— Хонадонимиздаги шарт-шароитларга дўстларимиз, яқинларимиз ҳавас қилишаяпти, — дейди тумандаги “Агроэнерго” масъулияти чекланган жамияти раҳбари И. Исоқов. — Алоҳида иситиш тизими, иссиқ ва совуқ сув таъминоти ҳамда бошқа қулайликлар ҳаётимизга янада файз киритмоқда. Фарзандларимизнинг қувонганини айтмайсизми?! Турмуш ўртоғим эса, айниқса, ошхонанинг шинамлигидан мамнун.

Умуман, поёнига етган йилда вилоятда 848 та оила ана шундай ҳовли-жойга эга бўлди. Уларни бунёд этиш учун 138 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аниқ ташхис, сифатли муолажа

**Самарқанд**

Вилоят эндокринология диспансери 1,1 миллиард сўм маблағ эвазига қуриб битказилган янги бинода фаолият бошлади.

— Илгари беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар етарли эмасди, — дейди муассаса бош врачи Гулнора Рустамова. — Энди эса имкониятларимиз кенгайди. Жумладан, 60 ўринли иккита кўркам бино, 75 қатновга мўлжалланган замонавий поликлиника ҳамда тиббий лабораторияга эга бўлдик. Хасталикларга тезкор ва аниқ ташхис қўйиб, уларни самарали муолажа қилишимиз мумкин. Шу боис ҳозир диспансеримизда қўшни Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ҳамда Жиззах вилоятларидан ҳам беморлар келиб даволанишаяпти.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти аҳолисига 44 та шифохона, 358 та ҚВП, 424 та врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси ҳамда 11 оилавий поликлиника хизмат кўрсатмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Таъминот тубдан яхшиланди

**Сирдарё**

Якунланган йилда вилоятдаги 37 та қишлоқда истиқомат қилаётган 32 минг нафардан зиёд аҳоли хонадонига тоза ичимлик суви тармоқлари кириб борди. Натижада ушбу ҳудудларда обиҳаёт таъминоти тубдан яхшиланди.

Хусусан, Мирзаобод туманидаги Бойтупи маҳалласи аҳли ҳам ана шундай қулайликдан баҳраманд бўлди. Эътиборлиси, зилол сув ҳудуднинг ўзидан, ер қаъридан тортиб олинмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у таркибий жиҳатдан барча талабга жавоб беради. Шунингдек, Гулистон, Сайхунобод, Боёвут туманидаги ва бошқа қишлоқлар маҳаллий манбалар орқали тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бунинг учун жойларда 12 та тик қудуқ қазилиб, 21 таси таъмирдан чиқарилди. Бинобарин, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 16 та массивда сув тармоқларини тортиш ишларига 3 миллиард 505 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Таҳсил янги бинода давом этади

**Сурхондарё**

Соғлом она ва бола йилида Жарқўрғон туманидаги 12-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда таҳсил олаётган ўғил-қизлар 212 ўринли янги бинода ўқишни давом эттирадиган бўлишди.

Бунинг учун ҳудудда фаолият юритаётган “Олимқурилиштранс” хусусий корхонаси жамоаси томонидан умумий қиймати 956 миллион 600 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Таъкидлаш керакки, уч қаватли муҳташам бинодан замонавий ўқув хоналари, спорт зали, шинам ётоқхона, ошхона ўрин олган. Ўз навбатида, фан кабинетлари белгиланган талаблар даражасида жиҳозланган. Бу эса ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини кучайтириш ҳамда дарс машғулотлари самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

4 ››

# ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

“Жиззах” махсус индустриал зонасида ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Эътиборли жиҳати, улар Ўзбекистон бозори учун янги бўлган ва шу вақтгача хориждан валюта эвазига келтирилган маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ишчи-мутахассисларимиз бандлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, экспорт ҳажмини эса кўпайтириш имконини бермоқда.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Мисол учун, бу ерда “Euroasia karpet” корхонаси томонидан муваффақиятли амалга оширилган лойиҳага мувофиқ, йилига 3 минг тонна полипропилен ип ва 1,2 миллион квадрат метр экспортбоп гилам ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Шунга мувофиқ, Янги йил байрами кунларида “Diamond karpet” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, ишга туширилди.

— Янги корхонамизнинг устав жамғармаси 6 миллион 440 минг АҚШ долларига тенг, — дейди МЧЖ директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Ҳаёт Облоқулов. — Зарур ускуналарни харид қилиш бўйича хорижлик ҳамкорларимиз билан музокараларни бошлаш баробарида, ишлаб чиқариш биносини қуришни ҳам жадал суръатларда олиб бордик. Бунинг учун 300 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди. Бинобарин, 3,3 миллион доллар эвазига Германиянинг “Oerlikon neumag S+” фирмасидан полипропилен ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва бир кунда 10 тоннагача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга ускуналарни харид қилдик. Қолаверса, газ конденсатидан полипропилен ип олиб, уни бўяйдиган экологик тоза технологияни жорий этиш туфайли 20 та иш ўрни очилди. Бу орқали тайёрланаётган ранг-баранг гилам ва гилам маҳсулотларининг таннархи 30 фоиз арзонлашгани, айниқса, қувонарлидир.

Тўғри, бугунги кунда ип ишлаб чиқаришда қўлланиладиган полипропилен гранулалар хориждан харид қилинмоқда. Жорий йилдан бошлаб эса бунга ҳожат қолмайди. Сабаби, энди у ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Корхона таъсисчиси — “Euroasia karpet” масъулияти чекланган жамияти томонидан Бельгиядан замонавий гилам тўқиш дастгоҳлари келтирилиб, синовдан муваффақиятли ўтказилди. Натижада улар ёрдамида полипропилен иплардан тўқилган маҳсулотларнинг илк туркуми ташқи бозорда муносиб баҳоланди: экспортга жўнатилган 600 минг АҚШ долларилик гиламлар қисқа фурсатда ўз харидорларини топди. Бу “Жиззах” махсус индустриал зонасида муваффақиятли амалга оширилган навбатдаги лойиҳанинг истиқболи порлоқ эканлигидан далолатдир.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Лазиз МАМАТҚУЛОВ олган сурат.*

# Шижоати юксак, аҳди қатъий

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг маҳаллий ҳокимликлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармаси ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда ўтказаётган учрашувлари, мулоқотлари давомида миллий армиямизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг аҳамияти ҳақида аҳолига батафсил маълумотлар берилмоқда. Эътиборлиси, уларда иштирок этаётган ёшларимиз Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишни қатъий мақсадга айлантирганини билдирса, ота-оналар фарзандлари қалбида юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкам эканидан ғурурланишларини изҳор этишмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳар томонлама етук, жасур ва сергак ўғлонларимиз азму шижоатини кўрганда, кўнглимиз фахру ифтихорга тўлади. Зеро, Ватанига, халқига садоқатли йигитлар хизмат қилаётган профессионал армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ҳамда фаровон ҳаётимизнинг ишончли қалқонидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аграр соҳа ривожи ва қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Инвентаризация натижаларига кўра, бир қатор қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, шунингдек, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Таъкидланганидек, қўмита ўз фаолиятида қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли даражаларида амалий жиҳатдан муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда қўмита ҳузурида аграр ва сув хўжалиги соҳасидаги етакчи мутахассислар, олимлар, амалиётчилар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат эксперт гуруҳи тузилди. Экспертларнинг қўмита томонидан кўриб чиқилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан билдирган фикрлари уларни янада такомиллаштиришда долзарб аҳамият касб этаётир.

Хусусан, яқинда матбуотда эълон қилинган “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш жараёнида соҳа мутахассислари, экспертлар жалб этилди, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамалар ўтказилди ва уни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар олинди. Натижада ушбу Қонунга соҳага оид янги тушунчалар, тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритилиб, унда ветеринарияга тегишли субъектларнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари, вазифа ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди.

Ҳисобот даврида қўмита томонидан 30 дан ортиқ тадбирлар ўтказилгани қайд этилди. Аграр соҳадаги қонунчилик асослари, унинг ривожланиш истиқболлари, тизимга оид манзилли дастурларнинг ижроси бўйича ташкил қилинган тадбирларда соҳага оид қонун ижодкорлиги жараёни изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, шунингдек, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, қўмита қабул қилинган қонунларнинг ижросини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратди. Хусусан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг ижроси юзасидан жойларда назорат-таҳлил тадбирларини ўтказди ҳамда тегишли мутасадди ташкилотларга чора-тадбирлар юзасидан таклиф ва тавсиялар киритди.

Қонунчилик палатасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг “Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари” масаласида парламент сўрови институти қўмита масъуллигида амалга оширилгани диққатга сазовордир. Унга кўра, 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, соҳага чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳамда илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан қуйи палата қарори қабул қилинди.

Матбуот анжуманида депутатлар журналистларнинг қўмитанинг келгусидаги режалари, чунончи, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, яъни қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, қонунларнинг ижро механизмини такомиллаштиришга оид барча саволига батафсил жавоб қайтардилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «Фуқаролик жамияти институтлари инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишидаги муҳим кафолатлардан биридир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир қатнашчилари республикада фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари билан бирга, фуқаролар ташаббускорлигида ташкил қилинадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим институти — маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини ҳам муҳокама этишди.

Франциялик экспертлар таъкидлашганидек, Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти чуқур тарихий илдизларга эга бўлгани ҳолда, ўзбек халқининг анъаналари ва маънавий қадриятларига асосланади. Қайд этилдики, мамлакат ривожланишининг ўзига хосликлари, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онги ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ҳамда ривожланишига кўмаклашиш соҳасидаги демократик ўзгаришлар жамият ва давлат қурилишининг бошқа соҳаларидаги демократлаштириш ҳамда модернизациялаш жараёнлари билан яқин алоқадорликда тизимли, изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоғи лозим.

**Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти президенти Эммануэль Дюпюи** Ўзбекистон раҳбарияти томонидан “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили амалга татбиқ этилаётганини ҳамда тараққиётнинг “ўзбек модели”га мувофиқ, қонун устуворлиги ва кучли ижтимоий қўллаб-қувватлаш таъминланаётганини таъкидлади.

Экспертнинг алоҳида қайд этишича, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари қарорларини ишлаб чиқишда, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда қатнашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Агар 1991 йили мамлакатда атиги 95 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2015 йил охирига келиб уларнинг сони 8300 тага етди. Мустақиллик йилларида республика раҳбарияти томонидан олиб борилган ислоҳотлар ўтказиш ва модернизациялаш сиёсати туфайли бугунги кунга келиб, экологик барқарорликни таъминлаш, фуқаролар саломатлиги муҳофазаси, таълимни, жисмоний маданият ҳамда спортни ривожлантириш, баҳс ва низоларни бартараф этиш, фуқароларга ижтимоий хизмат ҳамда юридик кўмак кўрсатиш соҳаларидаги муҳим масалаларнинг ҳал қилинишида нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланган тизими ҳам қатнашмоқда.

— Ўзбекистонда — минтақанинг марказий давлатида фуқаролик жамиятининг муваффақиятли ривожланиши қўшни мамлакатларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатгани ҳолда, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, модернизациялаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашда намуна бўлиб хизмат қилади, — деди Э. Дюпюи. — Бу узоқ муддатли барқарорлашув нуқтаи назаридан бутун Марказий Осиёга ўз таъсирини кўрсатади.

Экспертнинг таъкидлашича, аёллар, болалар ҳамда аҳоли бошқа қатламларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши масалаларига Ўзбекистон раҳбарияти томонидан улкан эътибор қаратилмоқда. “Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги ташаббуслари, жумладан, мамлакатда 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили”, 2016 йил эса “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши ҳамда мазкур йўналишларда ҳаётга татбиқ этилаётган тегишли давлат дастурларининг ижросига ажратилаётган молиявий ва техникавий ресурсларнинг ҳажми йил сайин ошиб бораётгани халқаро миқёсда кенг эътиборни ўзига тортмоқда ҳамда бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда”, деди у.

**Париждаги Ўртаер денгизи иқтисодий истиқболлари институти директори (IPEMED) Амаль Шевро** қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ҳозирги замонда фуқаролик жамиятининг роли ўсиб бораётганини дунё давлатлари теран англамоқда. Бу ОАВ ва тадбиркорлик билан бир қаторда, ривожланган мамлакатдаги қудратли куч ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг ҳолати давлатнинг нақадар демократик эканлигининг кўрсаткичидир. Ҳукумат аҳоли хавфсизлиги, ҳуқуққа риоя этилиши ва ижтимоий хизматлар кўрсатилиши таъминланиши учун жавоб беради. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти инсонларнинг, жумладан, аҳолининг заиф қатламлари — аёллар, болалар, кексалар, ёшлар ҳамда миллий ва диний озчиликни ташкил этадиган аҳолининг манфаат ҳамда ҳуқуқлари ҳимояси масалаларида фуқаролар томонидан ишонч ҳиссини туйишнинг барометри ҳисобланади.

Мамлакатда барқарорлик таъминланиши учун жамиятга ўзини эркин намоён этиши имконининг берилиши муҳимдир. Буни Ўзбекистонда яхши тушунишади ва ҳисобга олишади. Шуниси қувонарлики, бу ерда фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилмоқда.

Иккинчи муҳим омил шундан иборатки, кичик бизнеснинг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи — хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бутун бир мажмуавий чора-тадбирларни ўз ичига олган. Агар катта бизнес ўз манфаатларини ўзи ҳимоя қила олишга қодир бўлса, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлайдиган, янги иш ўринларини ва узоқ муддатли ишга жойлашувни таъминлайдиган кичик бизнес давлатнинг кўмагига муҳтождир. Мазкур жабҳа фуқаролик жамияти ҳолатини акс эттиради ҳамда унга ўз таъсирини кўрсатади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар юксак баҳога лойиқдир.

Мамлакатда янги корхоналарнинг ишга туширилиши ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг равнақ топиши натижасида кейинги 5 йил ичида қарийб 5 миллионта янги иш ўринлари яратилгани ҳам эътиборга молик.

**Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти Патриция Лалонд** Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилган ислоҳот ва дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишига эътибор қаратди.

— Ўзбекистон хотин-қизлар ҳаёти, саломатлиги ҳамда фаровонлиги ҳимоя қилиниши, уларнинг ҳуқуқлари ва тенглиги, иқтисодиётда ҳамда сиёсатда фаол иштироки таъминланиши нуқтаи назаридан аёллар учун дунёнинг энг хавфсиз мамлакати ҳисобланади, — дея таъкидлади у. — Ўзбекистон Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни (CEDAW) ратификация қилган ва халқаро андозалар ҳар томонлама ҳисобга олиниши асосида аёллар ҳуқуқлари ҳимоясининг тамойил ҳамда меъёрлари белгилаб қўйилган бошқа муҳим халқаро ҳужжатларга қўшилган. Республикада гендер тенглигига эришиш бўйича миллий қонунчилик шаклланган, аёлларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва равнақ топиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар ҳамда болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича жиддий ҳамда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Республикада эрта турмушга чиқиш муаммоси бартараф этилган, қизлар ва аёлларнинг махсус таълим олишлари ҳамда касб эгаллашлари учун имкониятлар таъминланиши, уларнинг мустаҳкам оила қуришга қодир, ҳар томонлама баркамол бўлишларига кўмаклашиш юзасидан давлат ва фуқаролик институтлари самарали иш олиб бормоқда.

Мавзу муҳокамасининг якунлари бўйича “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида эксперт П. Лалонд Франция экспертлари ҳамжамияти Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари IV Миллий форумининг якунларини катта қизиқиш билан қарши олганини билдирди.

— Биз республикангизда аниқ-равшан демократик тамойиллар асосидаги кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этамиз, — деди у. — Соғлиқни сақлаш, таълим, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси сингари соҳаларда ташкил қилинган янги нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини алоҳида таъкидлашни истардим. Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари хусусида ҳам ана шундай ижобий фикрларни айтиш мумкин. Аёллар мамлакатнинг келажагига ва бутун инсоният равнақига бебаҳо ҳисса қўшиши инобатга олинса, бунинг нақадар муҳим эканлиги яққол аён бўлади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақдаги жуда муҳим фикрларни баён этган.

Шу боис Ўзбекистонда аёлларнинг юксак сиёсий фаоллигини ҳам алоҳида эътироф этиш жуда муҳимдир. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатилишида депутатликка номзодларнинг умумий сонида аёллар учун 30 фоизлик квота жорий қилинганлиги кўпгина ривожланган мамлакатлар учун ҳам намуна ҳисобланади.

Ишбилармонлик муҳити, тадбиркорлик тараққиёти ҳамда бандликнинг таъминланишида аёлларнинг фаол ва муносиб ўринга эга бўлиши масалаларига катта эътибор қаратилаётгани эса, албатта, қувонарлидир.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти қурилиши, бу жараёнда, жумладан, аёлларнинг фаоллигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон дунёнинг аксарият давлатлари учун намуна бўла олади.

**«Жаҳон» АА.**
Париж

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*"Airbus", "Boeing" каби бир қатор йирик самолётсозлик компаниялари янги автоматик тизим яратиш устида иш олиб бормоқда, дейилади "Таймс" нашри хабарида.*

## Авиасаноатда янги тизим



Улар кўзда тутган технология амалиётга татбиқ этилса, йўловчи ва юк ташувчи ҳаво лайнерларида иккинчи учувчи хизматидан воз кечилади. Шу орқали парвозлар таннархини пасайтириш, хавфсизликни янада кучайтириш, инсон омили туфайли келиб чиқадиган хатоларни камайтириш мақсад қилинган.

Айни пайтда мазкур инновацион лойиҳада 35 та бизнес субъекти ҳамда тадқиқот гуруҳи қатнашмоқда. У Еврокомиссия томонидан молиялаштирилаётир. Лекин айрим экспертларнинг бу янгилик кенг жорий этилишига кўзлари етмаяпти. Уларнинг фикрича, парвоз пайтидаги фавқулодда вазиятларда автоматик тизим эмас, балки кўпинча учувчилар ҳалокатларнинг олдини олиб қолишади.

## Тахмин ва натижа

*2015 йилнинг ноябрь ойида Япония саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми октябрдагига нисбатан бир фоиз қисқарган.*



Сабаби, хўжалик харажатлари ва экспорт кутилганидан паст бўлган. "Блумберг" ўтказган сўровномада таҳлилчиларнинг бу борадаги прогнози 0,5 фоиз эди. Лекин йил нуқтаи назаридан олиб қараганда, иқтисодиётнинг мазкур секторидаги ўсиш 1,6 фоизга тенг.

Қайд этиш керакки, ноябрь ойида ушбу мамлакатда кимёвий воситалар, автомобиллар, пўлат ва электр қурилмалари тайёрлаш кўрсаткичлари тушиб кетган бўлса, пластик ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ижобий натижага эришилган.

## Илғор технологиялар кўргазмаси

*Ушбу ҳафтада АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида "CES — 2016" электроника маҳсулотлари кўргазмаси очилади.*



Мазкур тадбирга қизиқиш катта. Чунки бу галги кўргазмада мингдан зиёд компанияларнинг турли йўналишларга оид истиқболли лойиҳалари, техника ҳамда технологиялари омма эътиборига ҳавола қилинади. Баъзи янги маҳсулотлар ҳақида эса ҳозирданоқ айрим маълумотлар тарқатилди. Масалан, "LG" компанияси янги авлод телевизорини намойиш этишни режалаштирган экан. У ўта юпқа бўлиб, экрани эгилади. "Samsung" эса "HDR" форматдаги телевизорни тақдим қилади. Ушбу маҳсулотда тасвир ҳозир фойдаланилаётган телевизорлардагига нисбатан бир неча баробар ёрқинроқ кўринади.

Кўргазмада, шунингдек, автоматик бошқариладиган электромобиллар, роботлар, видеоўйин қурилмалари ва мобиль алоқа воситалари ҳам намойиш этилади.

## Зилзила рўй берди

*Ҳиндистоннинг Манипур штатида 6,9 балли зилзила рўй берди. Бу ҳақда Европа — Ўртаер денгизи сейсмологик маркази хабар тарқатди.*



Табиат ҳодисаси оқибатида ўн бир киши ҳаётдан кўз юмди, 130 дан зиёд одам жароҳатланди. Кўплаб тураржой бинолари, муассасалар вайронага айланди. Қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

## Рекорд даражадаги таклиф

*Англиянинг "Манчестер Сити" футбол клуби Аргентина терма жамоаси ҳамда "Барселона" (Испания) ҳужумчиси Лионель Мессини ўз сафига қўшиб олиш учун унга йилига 27 миллион евро миқдорида маош тўлашга тайёр эканини билдирди.*



Бироқ "МанСити" менежерлари Мессининг ўзи рози бўлмагунича, унинг клуби билан бу борада музокарага киришмоқчи эмас. Айни пайтда ушбу футболчи Испанияда йилига 20 миллион евро маош олади.

Лео "Барселона" тарбияланувчиси бўлиб, асосий таркибда 17 ёшидан буён ўйнайди. У клуб тарихидаги энг яхши тўпурар ва "Олтин тўп"нинг тўрт карра соҳиби ҳисобланади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 18 октябрдаги 1-2772/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчасидаги 825,0 кв.м. ер майдонида жойлашган, умумий майдони 3431,0 кв.м.дан иборат «Ёшлар маркази мажмуаси» биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 400 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 4 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 декабрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61, 63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат икки қаватли тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м.дан иборат тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 315 873 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,10 кв.м.дан иборат тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 353 568 000 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, ер майдони 501 кв.м., умумий майдони 227,04 кв.м. бўлган 5 хонадан иборат тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 362 031 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

08R/6

Хизматлар лицензияланган.



## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2016 йил 20 январь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ангор тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* ЖИБ Ангор тумани судининг 2015 йил 20 июлдаги ижро варақасига асосан, Ангор тумани ИИБ жарима майдончаси ва Ангор тумани СИБ ҳовлисида сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 19 G 85-19. ***Бошланғич баҳоси — 3 888 000 сўм***, тиркама давлат рақамисиз, ***бошланғич баҳоси — 540 000 сўм.***

* ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 13 февралдаги ижро варақасига асосан:

— 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ 80Х» русумли трактор, давлат рақами CH 45-97.

***Бошланғич баҳоси — 26 082 000 сўм.***

— 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ 80Х» русумли трактор, давлат рақами CM 98-30.

***Бошланғич баҳоси — 28 674 000 сўм.***

* ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 2 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 W 149 CA.

***Бошланғич баҳоси — 7 087 268,90 сўм.***

* Қизириқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2015 йил 21 июлдаги 1-326-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АТ «Агробанк» Қизириқ филиали ҳовлисида сақланаётган:

— 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ТТЗ-80.11» русумли трактор, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 17 480 000 сўм.***

— 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Ford Sierra» русумли, давлат рақами 75 F 815 CA.

***Бошланғич баҳоси — 10 156 686 сўм.***

*** Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончаси, Термиз шаҳар ҲАН жарима майдончаси, Сариосиё тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончаси ва Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган:**

* ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «HONDA» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 1 775 903 сўм.***

* Термиз шаҳар ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги 8625-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 19 K 15 26.

***Бошланғич баҳоси — 1 480 503 сўм.***

* ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 02-85-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 B 372 DA.

***Бошланғич баҳоси — 5 568 130 сўм.***

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 15 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 01 R 049 SA.

***Бошланғич баҳоси — 21 667 193 сўм.***

*** ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 5 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган:**

— 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas» русумли, давлат рақами 75 V 488 EA.

***Бошланғич баҳоси — 16 828 965 сўм.***

— 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 C 404 FA.

***Бошланғич баҳоси — 11 499 792 сўм.***

— 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 A 128 FA.

***Бошланғич баҳоси — 11 219 310 сўм.***

* ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2014 йил 22 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia GTLB3» русумли, давлат рақами 75 D 717 BA.

***Бошланғич баҳоси — 21 671 967 сўм.***

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 20 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, давлат рақами 75 O 013 CA.

***Бошланғич баҳоси — 17 011 011 сўм.***

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 12 июндаги 1-200-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz Best» русумли, давлат рақами 75 V 337 FA.

***Бошланғич баҳоси — 13 558 816 сўм.***

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 9 июндаги 1-56-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 75 V 138 EA.

***Бошланғич баҳоси — 22 315 500 сўм.***

* ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2015 йил 14 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 15 390 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2016 йил 20 январдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 5 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**2016 йил 5 февраль куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 21 октябрдаги 1-440-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 75 У 037 EA.

***Бошланғич баҳоси — 21 240 000 сўм.***

* ФИБ Сурхондарё вилояти кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 4-243-15-сонли ажримига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti» русумли, давлат рақами 75 X 014 BA.

***Бошланғич баҳоси — 38 000 000 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 20 январдаги аукцион савдосига 2016 йил 18 январь куни ва 2016 йил 5 февралдаги аукцион савдосига 2016 йил 3 февраль куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Гувоҳнома № 004059.**

1935R/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**



## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2016 йил 22 январь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси таҳририятига тегишли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01/272 ССА бўлган, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уйда сақланаётган, «Toyota land cruiser VZJ95» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 45 624 000 сўм.***

Ҳурматли талабгорлар!

Автотранспорт воситаси ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдолари 2016 йил 5, 12 ва 19 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси асосида сотилади. Олди-сотди шартномаси аукцион савдоси натижалари маълум бўлган кундан бошлаб беш кун мобайнида тузилиши зарур. Олди-сотди шартномаси бўйича тўлов олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун мобайнида 100 фоиз тўланиши зарур.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР: 302159464.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-95-96.** Гувоҳнома: 006388.

01A/35



## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2016 йил 9 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

- Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 17720-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, «Алишеробод» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 3,9 гектар ер ва у ердаги қурилиши тугалланмаган бинолар.

***Бошланғич баҳоси — 113 313 676 сўм.***

- Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2015 йил 26 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, умумий майдони 105,89 кв.м.дан иборат АЁҚШ бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 315 000 000 сўм.***

**Шунингдек, 2016 йил 22 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан тақдим этилган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 19-уйда жойлашган, 800 кв.м. ер майдонида жойлашган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 102 502 493 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 21-уйда жойлашган, 800 кв.м. ер майдонида жойлашган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 135 056 825 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universal bank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.**

1939A/903

Хизматлар лицензияланган.



## O'ZSANOATQURILISHBANK

***Суғурта ташкилотлари диққатига!***

## «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

**банк балансидаги бино-иншоотлар ҳамда автотранспорт воситаларини (ихтиёрий суғуртаси), шунингдек, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш мақсадида суғурта ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.**

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

**100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (0-371) 120-45-21. Факс: (0-371) 233-32-50. Ички телефон: 10-91.**

***Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари (тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойлашган ва корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 15 январь куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.***

07R/856



БИЛДИРИШНОМА

## «Effect real group» МЧЖ

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 11 ноябрдаги № 218 (6401)-сонида чоп этилган АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиалининг Учкўприк тумани, «Учкўприк» ҚФЙ, Учкўприк қишлоғи, Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган, «Valley mountain`s fresh» МЧЖдаги 100 фоиз улуши бўйича тўғридан-тўғри музокаралар (оммавий оферта) савдолари банк филиалининг 2015 йил 24 декабрдаги 4377/12-сонли хатига асосан 2016 йил 25 январгача узайтирилганлиги маълум қилинади.

**Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Телефон: (+99895) 404-54-84.**

1942R/899

Хизматлар лицензияланган.


"Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси жамоаси компания бошқаруви раисининг ўринбосари — "Ўзспиртсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Алишер Омонуллаевич Абдуллаевга онаси

**ТОЛИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# Чашмада зилол сув

**Тошкент вилояти**

2015 йил пойтахт вилоятининг чекка Сўқоқ қишлоғи аҳли учун ҳам баракали бўлди.

Хусусан, ака-ука Шаҳобиддин ва Зайниддин Эгамбердиевлар саъй-ҳаракати билан барпо этилган "Бунёд" тўй ва маросимлар мажмуаси ҳудудга узукка кўз қўйгандек ярашди. Бу ердан 500 ўринли тантаналар зали, шунингдек, 140 кишига мўлжалланган дам олиш маскани ўрин олган. Янги хизмат кўрсатиш объектлари иш бошлаши билан 30 га яқин йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

— Бугун Сўқоқда чинакам бунёдкорлик руҳи ҳукмрон, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳусниддин Ҳакимов. — Беш километр масофага қувурлар тортилиши билан Чашма маҳалласидаги 100 га яқин хонадонга зилол сув кириб борди. Байрам арафасида ҳудудимизда бир йўла 4 та янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриб битказилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Муқобил иситиш тармоғи

**Фарғона**

Данғара туманида истиқомат қилувчи Мақсутали Усмонов — миришкор инсон. У ўн йилдан буён паррандачилик билан шуғулланади. Яқинда изланувчан тадбиркор интернет орқали кичик фермаларни муқобил энергия манбалари орқали иситиш технологияси билан танишди. Шундан сўнг соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб, ишга киришди. Натижада кунига 70 куб биогаз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Қиш мавсумида фермамизни иситиш учун ойига 1800 куб табиий газ сарфлар эдик, — дейди лойиҳа ташаббускори. — Ҳозир эса ҳар ойда 2100 куб ёнилғини ўзимизда ҳосил қилаяпмиз. Эҳтиёждан ортган 300 куб миқдоридаги биогазни эса захирага жамғармоқдамиз.

М. Усмоновнинг айтишича, бундай самарали технологияларни фермер хўжаликларида ҳам қўллаб, юқори натижага эришиш мумкин.

**Набижон СОБИРОВ.**

# Шовотдан Европага

**Хоразм**

Шовот туманининг Чиғатойқалъа қишлоғида "Uztex Shovot" қўшма корхонасининг тикувчиликка ихтисослаштирилган "Евротех глобал" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа туман аҳли учун ўзига хос байрам туҳфаси бўлди.

Айни пайтда янги корхонага ўрнатилган 200 га яқин замонавий дастгоҳ 700 нафар хотин-қиз томонидан бошқарилмоқда. Уларнинг 40 фоиздан ортиғи касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Хорижий технологиялар йилига 3 миллион дона бежирим кийим-кечак тайёрлаш имконини беради. Қувонарлиси, рақобатдош либосларнинг карийб юз фоизини экспорт қилиш кўзда тутилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳам бол, ҳам тижорат

**Қашқадарё**

Чироқчилик Абдураҳмон Бобоев асаларичиликда етарли тажриба тўплаган. У айни пайтда вилоят аҳолисига қиш дастурхони учун ойига 15 тоннагача шифобахш маҳсулот етказиб бераётир.

— Хориждан келтирилган "карпат" зотли 700 та асалари оиласини парваришлаяпмиз, — дейди "Қашқадарё асали" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Карим Хонназаров. — Бунда истиқболли лойиҳаларимиз тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланиб, уларга ўз вақтида кредитлар ажратилаётгани қўл келмоқда.

Бугунги кунда вилоятда асаларичилик йўналишида 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти, қолаверса, асалари жиҳозлари тайёрлайдиган 5 та цех фаолият юритаяпти.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УЛУҒВОР ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик самараси бўлиб, 2015 йили парламент сайловида фаол иштирок этган халқимиз катта масъулият билан уни сақлаш учун овоз берди. Ўтган йил янги чақириқдаги парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз фаолиятини бошлади. 70 мингдан ортиқ маҳаллий ҳамда 340 дан зиёд хорижлик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг мутлақ катта қисми фикрича, сайлов жараёнлари очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва стандартларига тўла мос ҳолда ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан қонун чиқарувчи органлар аъзолари олдига бугунги кун талабларига асосланган ва келажакка йўналтирилган аниқ вазифалар қўйилди. Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу асосий йўналишлар таркиби ўтган йил февраль ойида тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ҳамда узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат Дастурига ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Яна бир муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 29 март куни бўлиб ўтди. Унга катта тайёргарлик кўрилди. Республика Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломовнинг айтишича, Президент сайлови сифат жиҳатдан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитларда, сезиларли даражада ўсган партиялараро рақобат, аҳолининг сиёсий ҳамда фуқаролик фаоллиги муҳитида бўлиб ўтди. Ушбу жараённинг барча босқичи — бошидан-охиригача 300 га яқин кузатувчи томонидан синчковлик билан кузатиб борилди. Улар орасида бешта халқаро ташкилот вакиллари, шунингдек, мамлакатимиздаги тўртта партиянинг 35 минг нафар вакили бор эди. Хусусан, МДҲ кузатувчилар миссияси якуний баёнотига кўра, Ўзбекистондаги сайлов Конституция, миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов андозаларига тўлиқ мувофиқликда ўтказилди. Сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ислом Каримов ёркин ғалаба қозонди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Қатор хориж давлатлари ва ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар ҳамда нуфузли жамоатчилик арбобларининг икки юзга яқин самимий табриклари "Халқ сўзи" газетаси саҳифаларида берилди.

Сайлов жараёнлари даврида бошқа йўналишлардаги ишлар ҳам изчил давом эттирилди. Хусусан, йил давомида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳаётга кенг татбиқ этилди. Шу мақсадда умумий миқдори 2,24 триллион сўм ва 225 миллион АҚШ доллари сарфланди. Бу маблағлар ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, жумладан, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизматлар даражасини ошириш, карияларни соғломлаштириш ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш ва бошқа тадбирларга йўналтирилди. Уларнинг ичида тўққиз мингга яқини юз ёшдан ошган мўътабар кишилардир. Дунёнинг етакчи ахборот марказларидан бирининг ҳисоб-китобига қараганда, Ўзбекистон бу борадаги кўрсаткич бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Республикамизда олиб борилган чора-тадбирлар бутун дунё диққат-эътиборида бўлди. Чунончи, ёши катталарнинг ижтимоий муҳофазаси, уларни эъзозлаш ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар БМТ Бош Ассамблеяси сессиясининг расмий ҳужжати сифатида олти тилда, шунингдек, ЕХҲТда тарқатилди.

Ҳар доимгидек уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатилди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан улар учун эсдалик юбилей медали таъсис этилиб, 9 май арафасида тантанали равишда пул мукофотлари билан бирга топширилди, турли тадбирлар уюштирилди. Таълим муассасаларида тинчлик дарслари ўтказилди. Ёш авлод вакилларига осойишталик, тинчликнинг қадри, фаровон турмуш кечиришнинг аҳамияти тушунтирилди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Президентимиз Ислом Каримов Россия ва Хитой раҳбарлари таклифига биноан, ушбу мамлакатларга ташриф буюрди. Бу давлатимиз раҳбари йил давомида иштирок этган давлат, ҳукумат, халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан кўплаб учрашувлардан бир мисол холос.

Айтайлик, ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга расмий ташриф билан келди. Учрашувда у БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини алоҳида қайд этди. Юқори мартабали меҳмон Президентимиз билан учрашувда Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади. Бир неча кундан сўнг мамлакатимизга Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах бошчилигида делегация ташриф буюрди. ХОҚ раҳбари пойтахтимиздаги спорт муассасалари билан танишиб, тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожида муҳим ўрин тутишини, ана шундай муҳит ҳамда шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди. Спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун мамлакатимиз Президентига Халқаро олимпия қўмитасининг медали, шунингдек, Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофоти топширилди.

2015 йилда спорт соҳасида эришилган ютуқлар, чиндан ҳам, салмоқли бўлди. Биргина олимпия спорт турлари бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатларида атлетларимиз томонидан рекорд миқдорда — 14 та олтин медаль қўлга киритилди.

Янги йилга саноқли кунлар қолганда эса ўзбекистонлик машҳур футбол рефериси Равшан Эрматов "Дунёнинг энг яхши ҳаками" деб топилди ва унга нуфузли "Globe Soccer Awards — 2015" мукофоти топширилди. У давлатимиз раҳбари томонидан "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Ўтган йил иқтисодий соҳада ҳам муваффақиятларга бой бўлди. Президентимиз томонидан 2015 йил 15 майда имзоланган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Зеро, мазкур дастурламал ҳужжат натижалари ва самаралари қисқа вақт ичида ҳаётда ўз инъикосини топди. Жаҳон банки Ўзбекистонни ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича дунёнинг етакчи ўнта давлати қаторига киритди.

Яна бир нуфузли тузилма — Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринга лойиқ кўрилди. Мазкур рўйхатда Ўзбекистон Ҳиндистондан уч, Хитойдан саккиз поғона юқоридан жой олди. Албатта, барқарор ўсиш суръатлари глобал молиявий инқироз ва салбий тенденцияларга қарамасдан, ана шундай юксак кўрсаткичларга эришишда ҳал қилувчи омил бўлди.

Халқаро ташкилотлар мутахассисларининг юқоридаги каби илиқ фикрларини тўлдирадиган биргина мисол: дунёнинг қатор давлатларида автомобиль саноати оғир вазиятга тушиб қолган бир пайтда Инвестиция дастурига мувофиқ, Хоразм вилоятидаги "GM Uzbekistan" заводида яна бир русумдаги автомашина ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шундай қилиб, "Damas" ва "Orlando" моделлари қаторига "Labo" ихчам юк ташувчи транспорт воситаси қўшилди. Шунингдек, "Мароқанд — Қарши" темир йўл участкаси қурилиб, электрлаштирилди. Натижада Тошкент шаҳри ва Қашқадарё марказини боғлайдиган йўналишда "Afrosiyob" тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилиб, бу шаҳарлар оралиғидаги 511 километрлик масофани уч соатда босиб ўтиш имконияти яратилди. Ваҳолонки, илгарилари бунинг учун икки баробар кўп вақт кетарди.

Транспорт коммуникацияларининг жадал ривожланиши шарофати билан Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси — "Economist Intelligence Unit" (EIU) компанияси пойтахтимизни дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари рўйхатига киритди. Тошкент инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш, таълим даражаси, атроф-муҳит сифати бўйича ҳам энг яхши шаҳарлар қаторидан жой олди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон фақатгина пойтахти билан фахрланмайди. Истиқлол йилларида диёримиздаги бошқа кўплаб шаҳарлар ҳам гуллаб-яшнамоқда. Хусусан, ўтган йили ёз фаслида Самарқандда ўнинчи марта "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ташкил этилиб, унга дунёнинг 66 давлатидан меҳмонлар ташриф буюрди. Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур санъат форумининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, биз уларни нафақат муҳтарам меҳмонларимиз, балки ўз халқининг қалби ва руҳини мусиқа орқали ифода этадиган, уларнинг эзгу орзу-истаклари ва саломини етказадиган тинчлик ва дўстлик элчилари, ўзимизнинг энг яқин ва азиз дўстларимиз сифатида қабул қиламиз ва шарафлаймиз.

Жаҳон эътирофига қайтарканмиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзуида ўтказилган тадқиқот натижалари алоҳида диққатни тортади. Юртимизнинг барқарор тараққиёти, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган аҳоли ҳаёт фаровонлигини изчил юксалтиришга қаратилган чуқур ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади. Бу эзгу эътирофнинг нақадар ҳаққонийлиги, айниқса, халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигини кенг қарши олаётган пайтда яққол кўринди.



Энг улуғ байрамимиз "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган кенг кўламли тадбирлар билан кутиб олинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида юртимиз барча соҳада қўлга киритган ютуқлар ҳақида фикр юритар экан, бунинг негизида, аввало, тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассам эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар ўтган йилда эришилган ижобий натижалардан биридир. Бу кузда қишлоқ хўжалиги мавсуми якунида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бошқача айтганда, Президентимиз деҳқон ва фермерлар, сувчи, агроном ва механизаторларни, барча дала меҳнаткашларини ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этгани учун самимий муборакбод этди. Улар томонидан ўтган йилда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди.

Яқин ўтмишда асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олган Ўзбекистон аграр сектордаги кенг кўламли ислоҳотлар шарофати билан уларни экспорт қилувчи етакчи давлатга айланди. Бу бозор ва дўконларимиздаги файзу баракани, нархнавонинг меъёрида бўлишини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шуларга мос ҳолда республикамиз эришаётган муваффақиятлар, техник ва технологик ютуқлар ўтган йили олти ой давом этган ҳамда 140 дан ортиқ давлат қатнашган "Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмасида кенг намойиш қилинди. Унда Ўзбекистонга тегишли павильонда мамлакатимиз тараққиёти, улкан иқтисодий салоҳияти, қулай инвестиция муҳити, замонавий транспорт ва туризм инфратузилмаси, бой маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи "Қуёш таъми" концепцияси тақдим этилди. Унга 700 мингга яқин киши ташриф буюрди.

Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси — юртимиз билан глобал иқтисодий жамоатчилик ўртасида самарали ҳамкорлик мулоқотини ўрнатувчи яна бир майдонга айланди. Ўн биринчи бор ташкиллаштирилган ушбу тадбирда мингга яқин экспертлар, олимлар, трейдерлар, қирқдан зиёд мамлакатлар компаниялари ва фирмаларидан вакиллар қатнашди. Унинг якунида 700 минг тонна ўзбек пахта толаси ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 800 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги шартномалар имзоланди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг муддати иштирокчиларнинг илтимоси билан узайтирилди. Яъни ўтган йил октябрь — ноябрь ойларида тўққизинчи бор ташкил этилган мазкур форумда 20 минг турдан зиёд маҳсулотлар тақдим қилинди. Пировардида 11,5 триллион сўмлик шартномалар имзоланиб, 8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги экспорт келишувларига эришилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро инвестиция форуми ҳам истиқболли лойиҳалар портфелини кўпайтириш имконини берди. Икки кун давом этган нуфузли тадбирда 33 мамлакат фирма ва компаниялари, инвестиция фондлари ҳамда банклар, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва бошқа етакчи халқаро иқтисодий ҳамда молия институтларининг 560 вакили, олимлар, экспертлар нафақат ялпи мажлисларда иштирок этди, балки пойтахтимиз, Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Фарғона вилоятларидаги саноат объектларига ташриф буюрди. Халқаро анжуман доирасида умумий қиймати 12,4 миллиард долларлик 100 дан ортиқ битим ва меморандумлар имзоланди.

Мухтасар айтганда, мазкур ютуқлар улкан бунёдкорлик ишларининг навбатдаги босқичига асос бўлиши, шубҳасиз. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси эса барчамизни ана шу янги марралар сари илҳомлантирди. Зотан, айнан унда "Соғлом она ва бола йили" дея эълон қилинган 2016 йилнинг аниқ мақсадлари ўз ифодасини топди. Энг муҳими, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган эзгу ғоя ҳаётимизда чуқур қарор топиб, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланди. Давлатимиз раҳбарининг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди. Унда янги йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган 12 та устувор вазифа белгилаб берилди.

...Ҳар биримиз янги умидлар ва орзулар билан тақвимга назар ташлаймиз. Сўнгги пайтларда ижобий ўзгаришларга ўрганиб қолдик. Шундай экан, кириб келган йилдан ҳам қувончли воқеаларга бой, лиммо-лим фаровон ҳаёт кутамиз. Бинобарин, мамлакатимиз тақдирига ишонч ва масъулият билан ёндашган ҳолда, улкан ишларни амалга оширишга ҳамиша тайёрмиз. Президентимиз мард ҳамда танти халқимиз бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори эканлигини бежиз таъкидламади.

Зеро, мустақил тараққиётнинг тўғри танланган йўли, оқилона раҳбарлик, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янги ғалабалар, ўзгаришлар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч учун пухта пойдевор яратади.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 155 848 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5